

“АС-САҲОИФ АЛ-ИЛОҲИЯ” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ УСЛУБИ ВА УНДА АҚИДАВИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Косимов Аббос Мусурманович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Фатво маркази” мутахассиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асарининг ёзилиш услуби, унда ақидавий масалаларнинг ёритилиши ва таснифланиши, ушбу асарнинг калом илмида тутган ўрни ҳамда унинг бугунги кундаги аҳамияти каби мавзулар баён қилинган.

Калит сўзлар: калом, ақида, мотуридийлик, “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия”, Шамсиддин Самарқандий, “Ал-маъориф фи шарҳи-с-саҳоиф”.

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш учун аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий мерослар билан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш ва бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ислом динининг софлигини сақлаш, унинг номини қора қилишга уринганларга муносиб жавоб бериш, муқаддас исломий қадриятларимизни янада теранроқ ўрганиш ва адашган оқимларга раддия бериш борасида ватандошимиз Шамсиддин Самарқандийнинг “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асари алоҳида эътиборга молик асардир.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асари ақидавий масалалар ва калом илми борасида ёзилган бўлиб, ушбу асар турли илмларда моҳир бўлган Шамсиддин

Самарқандийнинг қаламига мансубдир. Асар муаллифининг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Ашраф Хусайний Самарқандий бўлиб, аллома Самарқандда туғилиб вояга етган. Манбаларда таваллуд топган йили кўрсатилмаган. Лекин унинг 690/1291 йилда вафот этгани манбаларда айтиб ўтилган [1].

Шамсиддин Самарқандий мантиқ, астрономия, ҳандаса, калом илмлари олими бўлган. Аллома яшаган давр тафсир, қироат, ҳадис, фикҳ, жадал, усулу дин, фалсафа, риёзат, кимё, луғат ва бошқа илмларнинг яшнаган даври бўлган. Шунингдек, ўша даврдаги алломаларнинг ҳар бири турли хил илмлар соҳиби бўлган [2].

Шамсиддин Самарқандий китобини “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” – “Илоҳий саҳифалар” деб номлади. Бу “Илоҳиёт масалаларига оид саҳифалар” деган маънони англатади. Саҳифа деб номланиши сабабига келсак, муаллиф ушбу китобида ақидага тегишли масалаларни мавзу жиҳатидан саҳифаларга ажратган. Ҳар бир саҳифада ақидага оид масалаларни муҳокама қилган.

“Саҳоиф” - (صحائف) сўзи “саҳифа” - (صحيفة) сўзининг кўплиги бўлиб, у “саҳифа”, “варақ” ва “китоб” маъноларини англатади. Маълумки, фақиҳлар ўз китобларида фикҳга оид масалалар бобини “Таҳорат китоби”, “Намоз китоби” ёки “Рўза китоби” деб номлаган. Демак, муаллиф ҳам калом илмига оид “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асарида худди фақиҳлар сингари саҳифа сўзини китоб ўрнида ишлатган.

Ушбу саҳифаларда муҳокама қилинадиган энг муҳим мавзулар Аллоҳ таолонинг исм-сифатлари ва феълларига оид масалалар бўлгани учун аллома бу китобини “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” – “Илоҳий саҳифалар” деб номлайди.

“Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асарида илоҳиёт ва ақида масалалари қисқа ва гўзал тарзда баён қилиниб, аҳли сунна вал жамоа ақидаси нақлий ва ақлий далиллар асосида исботлаб берилган.

Олим ушбу китобини икки асосий бўлимга ажратган:

Биринчи қисм – калом илмига кириш ва унинг асослари борасида.

Иккинчи қисм - ақидавий масалалар борасида.

Муаллиф китоб муқаддимасининг сўнгида шундай дейди:

“Мен бу китобни “Илоҳий саҳифалар”, деб номладим ва уни икки мақсад (қисм) га ажратдим. Биринчиси – (қалом илмидаги) асос ва қоидалар ва иккинчиси – масалалар борасида” [3].

Ўз навбатида, “саҳифа”лар қисм ва фаслларга ажратилган. Хусусан, ўн тўққизта саҳифа қуйидаги мавзулардан иборат: “Аллоҳ таолонинг умумий васфи”, “Вужуд ал-вожиб”, “Аллоҳ таоло ваҳдонияти”, “Аллоҳ таоло феълларининг кайфияти”, “Аллоҳ таолонинг илми”, “Аллоҳ таолонинг иродаси”, “Аллоҳ таолонинг ҳаёти, боқийлиги, эшитиши, кўриши”, “Аллоҳ таолонинг мутакаллимлиги”, “Аллоҳ таолони кўриш”, “Салбий сифатлар”, “Аллоҳ таоло қудратининг комиллиги”, “бандаларнинг феъллари”, “Аллоҳ таолонинг исмлари”, “оламнинг пайдо бўлгани”, “нубувват ва унга боғлиқ ҳолатлар”, “яратилган нарсаларнинг яна йўқликка қайтиши”, “имон, ислом ва куфр”, “яхшилик ва ёмонлик” ва “имомат”. Олим ўз асарида исломдаги ақидавий таълимот ва оқимларнинг қарашлари билан бир қаторда фалсафий мактаблар фикрларини келтириб ўтади. Ҳар хил тоифаларнинг қарашларини шунчаки келтириб ўтмай, балки ўша фикр ва қарашларни муҳокама қилади. Уларни фикрларини ўрганиб, уларга асосли раддиялар беради. Бунда олим бошқаларнинг фикрларини шунчаки келтирмайди, балки у бу борада ўзининг ақлий услубига эга. Шунингдек, Шамсиддин Самарқандий бошқа дин вакилларининг Аллоҳ таоло ва Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам борасидаги эътиқодларини ҳам тадқиқ қилиб, уларнинг нотўғри эътиқодларига Таврот ва Инжил китобларидан далиллар келтириб, уларнинг шубҳаларига жавоб беради [4]. “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асарининг қўлёзма нусхалари “Маъҳад ал-махтутот ал-арабия” кутубхонасида 160 рақам остида, “Дору-л-кутуби-л-мисрийя” кутубхонасида 1011 ва 1565 рақамлари остида ва “Мактаба талаат” кутубхонасида 452 рақам остида мавжуд [5].

Шунингдек, муаллиф ушбу китобини ўзи шарҳлаб, уни “Ал-маъориф фи шарҳи-с-саҳоиф” (“Саҳифалар шарҳи борасидаги билимлар”) деб номлаган.

ХУЛОСА

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш мумкинки, Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан олимлар илмнинг барча жабҳаларида пешқадамлардан бўлган. Шулар сингари Шамсиддин Самарқандий ҳам дунёвий билимлар билан бир қаторда диний илмларда ҳам моҳир бўлган. Бу борада унинг калом илмида ёзилган “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асари сўзимизнинг яққол далилидир. Шамсиддин Самарқандийнинг “Ас-Саҳоиф Ал-Илоҳия” асари 13-14 асрларда Мовароуннаҳрда ислом уламоларининг калом илми ривожда муҳим ўрин тутганини намоён этади. Шунингдек, мотуридийлик таълимоти қарашларини ҳаққонийлигини исботлаш учун Шамсиддин Самарқандийнинг далиллаш назарияси илмий далилларга бой экани маълум бўлади. Ушбу асар борасидаги умумий хулоса сифатида шуни айтиш керакки, у бир жиҳатдан мотуридия таълимоти бўйича муҳим манба бўлса, иккинчи томондан диний таълимотларни қиёсий ўрганишда ҳам унинг аҳамияти катта ҳисобланади.

REFERENCES

[1] Шамсуддин Самарқандий. Ас-саҳоифу-л-илоҳия. Доктор Аҳмад Абдуррахмон Шариф тадқиқи. – Риёз: – Б. 30.

[2] Шамсуддин Самарқандий. Ас-саҳоифу-л-илоҳия. Доктор Аҳмад Абдуррахмон Шариф тадқиқи. – Риёз: – Б. 31.

// Туросу-л-араби-л-илмий фи-р-риёзати ва-л-фалак. – Қоҳира: Дору-л-қалам, 1963. – Б. 428.

[3] Шамсуддин Самарқандий. Ас-саҳоифу-л-илоҳия. Доктор Аҳмад Абдуррахмон Шариф тадқиқи. – Риёз: – Б. 60.

[4] Шамсуддин Самарқандий. Ас-саҳоифу-л-илоҳия. Доктор Аҳмад Абдуррахмон Шариф тадқиқи. – Риёз: – Б. 423-425.

- [5] Шамсуддин Самарқандий. Ас-саҳоифу-л-илоҳия. Доктор Аҳмад Абдуррахмон Шариф тадқиқи. – Риёз: – Б. 51.
- [6] Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж.1. – Байрут. Дору-л-фикр. – Б.81.
- [7] Умар Ризо Каҳҳола. Муъжаму-л-муаллифийн. Ж. 9. – Байрут: Дор ихёу-т-туро-си-л-арабий, 2009. – Б. 63.
- [8] Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадияту-л-орифийн. Ж. 2. – Истанбул: Маориф босмаси, 1955. – Б. 106.